

## ҚҮЛЛАШ БҮЙИЧА ЙҮРИҚНОМА ДЕРМОБАКТЕР

**Препаратнинг савдо номи:** Дермобактер

**Дори шакли:** сиртга ва маҳаллий қўллаш учун эритма.

**Таркиби:**

100 мл эритма сақлайди:

**Фаол моддалар:** бензолконий хлоридини 50% ли эритмаси 985 мг, бу 500 мг бензалконий хлоридга тўғри келади, хлоргексидиндиглюконати 20% ли эритмаси 1065 мг, бу 200 мг хлоргексидин диглюконатга тўғри келади.

**Ёрдамчи моддалар:** бетаин кокоалкилдиметил 30% ли эритмаси, полоксамер 188, гидроксиэтилцеллюзоза, лимон кислотаси моногидрати, натрий цитрати, тозаланган сув.

**Таърифи:** бироз ёпишқоқ, чайқатилганида кўпирадиган, эфир хидига эга тиниқ, рангиз суюқлик.

**Фармакотерапевтик гурӯҳи:** антисептик восита.

**АТХ коди:** D08AC52

### Фармакологик ҳусусиятлари

Бензалконий хлориди ва хлоргексидин кенг таъсир доирасига эга антисептик бўлиб, граммусбат ва грамманфий микроорганизмларга бактерицид таъсир кўрсатади, патоген замбуруғларга, шу жумладан *Candida albicans* туридаги ачитқисимонларга фунгицид таъсир кўрсатади. Антисептик таъсири 1 минут давомида намоён бўлади. Яллиғланишда ажralадиган ширада препаратнинг фаоллиги кам даражада пасаяди. Дермобактер тери қопламларини бутунлигини бузмасдан терини тозалайди ва дезинфекциялади, тери юзасидан деярли сўрилмайди.

### Қўлланилиши

Инфекцияланган тери ва шиллиқ пардаларни шикастланишларини, тери ва шиллиқ пардаларини (хавфли инфекцияланишини) тозалаш ва даволашда маҳаллий ва сиртга қўлланилади.

### Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Препарат таркибига кирувчи фаол ва ёрдамчи моддаларга аллергик таъсирларда.
- Кўз ва эшитиш йўлини шиллиқ қаватини ювиш учун ишлатилмасин.
- Хирургик асбоблар ва мосламаларини дезинфекцияси учун қўлланмасин.

Агарда сизга маълумотлар ноаниқ бўлса, албатта шифокор ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

### Қўллаш усули ва дозалари

Сиртга қўллаш учун.

Эритма суюлтирилган ёки суюлтирилмаган ҳолда кунига 1-2 марта қўлланилади.

Тери юзасига ишлов бериш учун суюлтирилмаган эритма ишлатилади.

Шиллиқ қаватларга маҳаллий ишлов бериш учун сувда 1/10 нисбатида суюлтирилган эритма қўлланади. Суюлтирилган эритма бевосита қўллаш олдидан тайёрланади ва сақланмаслиги керак.

Эритма қўлланилгандан сўнг доим кўп миқдордаги сув билан яхшилаб ювилади.

### Ножӯя таъсирлари

Ҳар қандай бошқа препаратлар сингари бу препарат ҳам барча беморларда бўлмаса ҳам ножӯя тасирга эга.

- Эритма яхшилаб сув билан ювиб ташланганида ўтиб кетувчи тери ва шиллиқ пардаларнинг қуруқлиги терини таъсирланиши.
- Даволаш курсининг бошида терининг озгина шикастланиши.
- Контактли экзема пайдо бўлиши.

- Чақалоқларда кимёвий қуишилар (оралиқ номаълум)

Ўз шифокорингиз ва фармацевтингиздан ушбу йўриқномада бўлган ва бўлмаган ҳар қандай нохуш ёки ножўя кўринишлар тўғрисида хабардор қилинг ва маслаҳат сўранг.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Бошқа маҳаллий антисептиклар билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас (номутаносиблик ёки самарасизлик хавфи). Агар аввал совун ишлатилган бўлса, у яхшилаб ювиб ташланиши лозим. Агарда сиз бошқа дориларни қабул килаётган, қабул қилган ёки қабул қилмоқчи бўлсангиз врач ёки фармацевтга хабар беринг.

### **Махсус кўрсатмалар**

Сиртга ва маҳаллий қўллаш учун эритма.

Эритма билан терининг катта юзаларига ишлов берилганида (асосан қуиган терига) ишлов беришда, эритмани герметик боғлов остига ишлатилганда, чала туғилган болаларга қўллашда эритманинг фаол моддаларини тизимли таъсир этиш хавфи бор.

Препаратни чақалоқлар ва айниқса чала туғилган чақалоқларга жуда эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим.

“ДЕРМОБАКТЕР® сиртга қўллаш учун эритма” си орқали тери кимёвий қуиши мумкин.

### **Эҳтиёткорлик чоралари.**

Препаратни қўлланмага мос равища қўлланг хамда узок вақт давомида флакон қопқоғини очиқ холатда қолдирилганида, айниқса таркиби 250 мл ли флакондан кўп бўлса бактериал зарарланиш холати юз бериши мумкин.

Агарда сизга маълумотлар ноаниқ бўлса, албатта шифокор ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

### **Хомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш.**

Бу препаратни эмизиш даврида кўкрак атрофига қўллаш мумкин эмас.

Препаратни қўллашдан олдин агарда сиз хомиладор ва эмизикиди даврда булсангиз, хомиладорман деб уйласангиз ёки фарзандли булишни режалаштирган булсангиз албатта шифокор ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

### **Дори воситасини транспорт воситалари ёки потенциал хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир этиш хусусияти**

Таъсир қилмайди.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Дозани ошириб юборганда ножуя таъсирлар келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташкари, агар препарат билан терининг катта юзаларига ишлов берилганида, эритмани герметик боғлов остига ишлатилганда, эритманинг фаол моддаларини тизимли таъсир этиш хавфи мавжудлиги инкор этмаслик керак.

### **Чиқарилиш шакли**

Оқ рангли пластмассали таглик қўйилган буралувчи пластмасса қалпоқли, ҳажми 125 мл ёки 300 мл ли жигарранг тиник пластмасса флакон. бир флакондан картон кутида қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга.

### **Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

**Яроқлилик муддати**

2 йил.

Яроқлилик муддатининг тугаши кўрсатилган ойнинг сўнгги куни хисобланади.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Қайд этиш гувохномасининг эгаси**

Лаборатория Иннотек Интернасиональ, Франция  
22, авеню Аристид Бриан, 94110, Аркей

**Ишлаб чиқарувчи**

Иннотера Шузи,  
Рю Рене Шантеро, Шузи-сюр-Сис, Валуар-сюр-Сис 41150, Франция.

**Узбекистон Республикаси худудида дори воситасининг сифатига ва шикоят (таклиф)га жавоб берувчи ташкилот номи ва манзили**

“Лаборатория Иннотек Интернасиональ” Узбекистонда ваколатхонаси  
Юридик манзили: Тошкент, Зульфияхоним кўчаси 1А. Тел: 140-43-40, 140-43-41  
E-mail: [uz.innotech@sk.sks.uz](mailto:uz.innotech@sk.sks.uz)